

1-МАВЗУ. “МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ, ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ РЕЖА

1.1. «Меҳнат» ҳақида тушунча ва унинг жамиятни ривожланишдаги ўрни

1.2 . Фаннинг мақсади ва вазифаси

1.3. Меҳнатнинг мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

1.1 «Меҳнат» ҳақида тушунча ва унинг жамиятни ривожланишдаги ўрни

Меҳнат - бу инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир. Дастлаб инсон ўз ҳаракатларининг мақсадини аниқлайди. Мақсаднинг мавжуд бўлиши онгли мавжудот бўлган инсоннинг меҳнатини, масалан, от ёки машина бажарадиган иш тушунчасидан ажратиб туради.

Биринчидан меҳнат онгли фаолият, иккинчидан — ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, учинчидан — ижтимоий фойдали фаолият сифатида намоён бўлади.

Меҳнат тушунчаси физиологик нуқтаи назардан айтилганда бу – организмда йиғилиб қолган ҳаёт энергияси туфайли содир бўладиган асаб ва мушаклар ҳаракати ҳамда оксил моддаларининг механик ишга киришув жараёнидир.

Меҳнат тугрисида турича таърифлар:

-инсоннинг моддий ва номоддий бойликларни ишлаб чиқаришдаги мақсадга мувофиқ фаолияти булиб, ҳар қандай жамият ҳаётининг асосидир.

- Меҳнат мавжуд бўлган моддий, табиий, аклий захираларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар учун керакли маҳсулотга айлантиришда фақат инсонларгагина хос бўлган хусусиятдир.

-Физиологик нуқтаи назардан айтилганда меҳнат тушунчаси бу - организмда йиғилган ҳаёт энергияси туфайли содир бўладиган асаб ва мушаклар ҳаракати ва оксил моддаларнинг механик ишга киришув жараёнидир.

- Айни вақтда меҳнат бу - жуда ҳам мураккаб ижтимоий-рухий жараён булиб, у кишиларнинг яшаши учун шарт булган абадий табиий заруриятдир.

Меҳнат жараёнини учта асосий таркибий қисмни ўз ичига олади:

—ҳом ашё материали (меҳнат предметлари);

—меҳнат воситалари;

—жонли меҳнат сарфлари.

Ана шу учта таркибий қисмнинг ўзаро таъсир кўрсатиш натижаси меҳнат маҳсулоти —табиатнинг янги маҳсулоти бўлиб, у инсон эҳтиёжларига мослашган бўлади.

Меҳнат — бойлик манбаидир. У инсон фаолиятининг биринчи ва зарур шарти ҳисобланади. Инсон ва жамият тараққиётининг тарихи бу жараёнда меҳнатнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Одамлар атрофдаги табиатни ўзгартирар эканлар, умрининг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари

таъсирида ўз табиатларини ҳам ўзгартирадилар: билимларини бойитиб, қобилиятларини ривожлантирадилар ва янги кўникмалар ҳосил қиладилар.

1.2.Фаннинг мақсади ва вазифаси

«**Меҳнат иқтисодиёти.**» фан сифатида меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонуниятларни, шу жумладан, моҳияти намоён бўлишининг ўзига хос шакллари, чунончи, иш билан бандлик, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш, унинг самарадорлиги каби шаклларини **ўрганади.**

«Меҳнат иқтисодиёти.» фанининг **предмети** – меҳнат жараёнида турли омиллар – техникавий, ташкилий, кадрлар ёки бошқа характердаги омиллар таъсири остида қарор топадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир.

«Меҳнат иқтисодиёти.» фанининг **мақсади** - бу ижтимоий жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш, тартибга солиш, бошқариш, режалаштириш ва истиқболлаштиришни асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқишга ўргатишдан иборат.

«Меҳнат иқтисодиёти.»нинг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- меҳнатнинг жамият тараққиётидаги ўрнини ўрганиш;
- иш ҳақини тизимини ва уни ташкил этиш элементлари ва тамойилларини тадқиқ этиш;
- аҳоли ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва уларнинг иш билан бандлигини ва ишсизлигини меҳнат бозорининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш;
- аҳолининг турмуш тарзи ва даромадларини меҳнат ҳақининг турли шакллари билан алоқадорлигини белгилаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва заҳираларини аниқлаб, уларнинг ҳолатини таҳлил этиш ва режалаштириш;
- корхона ходимларининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш;
- жамиятда ва меҳнат ташкилотларида ходимларни ҳимоя қиладиган ижтимоий кадриятлар тизимини яратиш;
- ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш.

1.3.Меҳнатнинг мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

Меҳнатнинг мазмуни – ишларнинг касбий мансублиги, уларнинг таркибий мураккаблиги, бажаришдаги изчиллиги билан белгиланадиган меҳнат элементлари йиғиндисидир. У ходимнинг меҳнат предметлари ва воситалари билан ўзаро муносабатга киришувида намоён бўлади.

Меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ифодаловчи умумий жиҳатларидан келиб чиқиб, унинг серқирралигини ифодаловчи **хар хил турлари** конкрет белгиларига қараб тизимлаштириш мумкин. Яъни меҳнат меҳнат табиати

ва мазмуни бўйича, меҳнат предмети ва маҳсули бўйича, меҳнат воситаси ва усули бўйича, меҳнатнинг шароити бўйича турларга ажратилади.

Меҳнатнинг таркибий табиати икки бош мезон – меҳнат вазифасининг интеллектуал даражаси ва малакалилиги нуқтаи назаридан меҳнатнинг мазмун хусусиятлари таъсири остида шаклланади.

Меҳнат жараёнида қуйидаги **функциялар** амалга оширилиши ҳисобга олинади:

зарур меҳнат операциялари тизимининг мақсади ва уни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мантикий функция;

ижро этувчилик функцияси - ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолатига боғлиқ равишда меҳнат воситаларини турли усуллар билан ҳаракатга келтириш ва меҳнат предметларига бевосита таъсир кўрсатиш;

қайд этиш ва назорат қилиш функцияси - технология жараёнини, белгиланган дастурни бажаришнинг боришини кузатиш; тартибга солиш функцияси - берилган дастурни тузатиш, унга аниқлик киритиш.


Меҳнат кодексининг 2 моддасида қуйидагича келтирилган:

Республикамизда ҳамма ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққ оний ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат самарадорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш асосида мамлакат аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалишига кўмаклашишни ўз зиммасига олади.

1.1-расм

Меҳнат турларининг гуруҳ белгилари бўйича таснифи

Меҳнат турларининг гуруҳ белгилари бўйича таснифи			
Меҳнат табиати ва мазмуни бўйича	Меҳнат предмети ва маҳсули бўйича	Меҳнат воситаси ва усули бўйича	Меҳнатнинг шароити Бўйича
Ёлланма ва хусусий, яққа ва жамоа, хоҳиш, зарурий ва мажбурият бўйича, жисмоний ва аклий, такрорий ва ижодий, мураккаб таркибли меҳнат	Илмий муҳандислик, бошқарувчилик, ишлаб чиқарувчи, тадбиркорлик, инновация; саноат, қишлоқ, транспорт ва коммуникация меҳнати	Қўл, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган, қуйи, ўрта ва юқори технологиялаштирилган; инсон иштироки турлича даражада бўлган меҳнат	Турғун ва кўчма ер усти ва ер ости, енгил, ўрта ва оғир, ёқимли ва ёқимсиз; эркин ва ҳар хил даражадаги чегараланган меҳнат



«Меҳнат иқтисодиёти» тушунчаси нимадан иборатлигини аниқлаш учун икки атамадан иборат сўз бирикмаси, яъни – “иқтисодиёт”, “меҳнат” тушунчаларини билиш керак

Иқтисодиёт – хўжалик юритишнинг жадал ижтимоий ташкилий тизими тушунилади, у ижтимоий фойдали моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни

Меҳнат – кишиларнинг онгли, мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, улар бу фаолият ёрдамида табиат буюмларининг шаклини ўзгартирадilar ва уларни ўз эҳтиёжларини қондириш учун мослаштирадilar

Меҳнат иқтисодиёти– меҳнат бозори фаолият кўрсатаётган даврида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тадқиқ қилиб, иш берувчи ва ёлланма ходимларнинг меҳнат жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатларини ифода этади

7-илова

3-савол. Меҳнатнинг мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

КАТЕГОРИАЛ ЖАДВАЛ

Меҳнатнинг турлари

Меҳнатнинг турлари				